

Россияда Ислом банкчилигини татбиқ қилиш бошланган



15:55 / 26.10.2023 1253

Россияда ислом молия маҳсулотларига бўлган талабни инobatга олган ҳолда ислом банкчилигини татбиқ қилиш бошланган. Бу ҳақда forbes.ru манбаси хабар берди.

«Сбербанк» ҳам ушбу ташаббус доирасида муайян қадамлар қўйган эди. Мана энди омонатлар қабул қилишни ҳам бошлабди. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай банк учун жумладан, Ислом молияси тамойилларига мувофиқ ишловчи банкларга ҳам аҳолидан маблағ жалб қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми инвестицион-тижорий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади (яъни омонатлар асосий сармоя манбаларидан бири ҳисобланади).

Ушбу мақсад учун Ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлган Россиянинг 9 та маъмурий ҳудудлари, шу жумладан, Москва шаҳри танлаб олинган.

Маълумот ўрнида Татаристоннинг АкБарс банки ҳам худди шундай

хизматларни ўз миждозларига таклиф қилишни бошлаган.